



**Кредит тўлови кечикса,  
жазолаш, бу —  
ягона йўл эмас!**

3-с.

**Қайнонадан  
ноласи бор келинни  
ким “келинг”, дейди?..**

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№12  
(2340)**

**2026 йил  
14 ФЕВРАЛЬ,  
ШАНБА**

# Маҳалла

**ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН**

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

БАТАН ВА ХАЛҚ МАՒФААТИ УСТУВОР

### Аниқ тоифа, қатъий назорат ва кафолатланган натижа — бош мезон!



“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон-2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастури лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

резидентимиз Мурожаатномада қайд этганидек, ҳозирги вақтда қайсидир маҳаллада йўл, қайси бирида сув ёки электр масаласи, бошқасида богча, мактаб, тиббиёт, яна бирида уй-жой билан боғлиқ масалаларга алоҳида-алоҳида ечим берилмоқда. Очиқ айтиш керак, бунинг ўзи билан маҳалладаги барча масалалар тўлиқ ҳал бўлиб қолмайди. Шу боис маҳаллани ривожлантириш бўйича комплекс ёндашув жорий этиш зарурати бор.

2026 йилда “Маҳалла инфратузилмасини янада такомиллаштириш ва уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш бўйича устувор Ислохотлар дастури”да бу борада аниқ ечимлар таклиф этилди. Унга қўра, маҳаллаларни аниқ кўрсаткичлар асосида тоифаларга ажратиш, индивидуал тартибда ишлаш орқали улардаги муаммоларни ҳал этиш амалиёти йўлга қўйилади.

ишсизлик, жиноятчилик, низоли оилалар, аҳоли мурожаатлари кўрсаткичлари асосида “қизил”, “сарик”, “яшил” тоифаларга ажратилади. Бу орқали йиғинларда тарқоқ ҳолда эмас (айни вақтда маҳаллалар жиноятчилик, камбағаллик, ишсизлик бўйича тоифаларга ажратилиб, ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида иш олиб борилади), бир бутун шаклда, барча маҳаллаларни қамраб олган ҳолда муаммолар ҳал этиб борилади.

Давоми 2-саҳифада.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

### МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қажрамон Қуронбоев Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги маҳаллаларда бўлди, камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.



Дастлабки манзил — Самарқанд вилояти. Маълумки, сўнгги кунларда Қўшработ туманида кучли шамол ва ёмғир ёғиши оқибатида аҳоли хонадонлари ҳамда ижтимоий объектларга зарар етган эди. Талофат юз берган ҳудудлар — “Қўштамғали”, “Жўшота”, “Тос”, “Катта Оқмасжид” ва “Чимбош” маҳаллаларида қарийб 50 та хонадон зарар кўрган, айрим жойларда электр симёғочлари қўлаб, сел оқимлари юзага келган.

Уюшма раиси мутасаддилар билан бирга талофат содир бўлган ҳудудларга борди. Аҳоли хонадонларига кириб, уларнинг ҳолидан хабар олди. Уйма-уй юриб, фуқароларнинг муаммолари бевосита ўрганилди ҳамда етказилган зарар қўлами жойида кўздан кечирилди. Фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Азизбек Икромов вазиятни бевосита назоратига олган.

Талофатларни бартараф этиш, инфратузилмани тиклаш ва уйларни таъмирлаш учун вилоят ҳокими раҳбарлигида ишчи гуруҳ тузилиб, қурувчилар жалб қилинмоқда, оғир аҳволдаги оилаларга ёрдам берилди. Тумандаги ҳолат тез кунларда тўлиқ бартараф этилади.

Давоми 4-саҳифада.



ЖАРАЁН


### “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШУКРОНАЛИГИ”: Мустақиллик, бу — янгилик, таракқиёт ва юксак маънавият тимсоли!

Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 35 йиллигини маҳаллаларда кенг нишонлашга қаратилган чора-тадбирларни ҳамкорликда амалга ошириш юзасидан қатор ташкилотлар ўртасида Меморандум имзоланди.

Меморандум Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ешлар ишлари агентлиги ўртасида тузилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда тузилма раҳбарлари, ҳудудий студиялардан бошқарма ва бўлимлар вакиллари, “маҳалла еттилиги” масъуллари, 8 992 нафар маҳалла раислари, ёшлар етакчилари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ушбу ҳамкорлик орқали маҳалла институтининг салоҳиятини ижодкорлар билан уйғунлаштириш, сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижаларини бадий ва ижодий асарлар орқали кенг тарғиб қилиш мақсад қилинган. Тадбирда ислохотлар мазмунини аҳолига етказиш, жамиятда шукронани, ватанпарварлик ва дахлдорлик туйғуларини мустаҳкамлаш устувор вазифа эканлиги таъкидланди.

Давоми 2-саҳифада.



**ТАШАБУСКОРЛИК,  
БУ — ОРЗУНИ  
АМАЛИЙ ҚАДАМГА  
АЙЛАНТИРИШДИР**



**ДАРД ЧЕКМАСДАН,  
МЕҲР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН  
БАҲРАМАНД УССА ГЎДАК...**



**АЛДАНИБ ҚОЛМАСЛИК  
УЧУН МАҲАЛЛАДАН  
МАСЛАҲАТ СЎРАНГИ!**



**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Судьялар олий кенгаши раисининг ахбороти билан танишди.**



**Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича йиғилиш ўтказди.**



**Президентимизга ТЕХНИК ТАЪСИБГА СОЛИШ СОҲАСINI халқаро талаблар асосида тубдан янгилаш юзасидан тақдимот қилинди.**

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

ҲАМКОРЛИК



**“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШУКРОНАЛИГИ”:**  
**МУСТАҚИЛЛИК, БУ — ЯНГИЛАНИШ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ТИМСОЛИ!**

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Айтиш керакки, Меморандум доирасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси юқоридаги тўртта тузилма билан узвий ҳамкорликни йўлга қўяди.

Уюшма ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биргаликда бадий-публицистик асарларда маҳаллада аҳолини шукроналик туйғуларини ва эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилаётган туб ўзгаришларни теран акс эттиришга эътибор қаратади. Бу жараёнда “маҳалла еттилиги” аъзолари ва маҳаллага бириктирилган Ёзувчилар уюшмаси аъзоси ҳамкорликда маҳаллаларда истеъдодли ёзувчиларни аниқлаб, рўйхатини шакллантиради.

Уюшма ва Ўзбекистон Баъдий академияси ҳамкорлигида маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги “кўприк” вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халқчил тузилмага айланишига қўмаклашишга қаратилган тасвирий санъат асарлари яратилади. Маҳаллаларда истеъдодли ёш раҳбарлар учун мўлжалланган ижодий устахоналар фаолияти йўлга қўйилади, уларнинг шахсий ва жамоавий кўргазмалари уюштирилади.



Уюшма ва Республика Маънавият ва маърифат маркази биргаликда маҳалла аҳолисининг ижтимоий-маънавий фаолияти ва масъулиятини оширишга қаратилган тадбирларни уюштирилади. Маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, қўламини ва миқдорини янада кенгайтириш, ёшлар қалбида ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Уюшма ва Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ҳар ой “Раис ва ёшлар учрашуви” ўтказиб борилади, ишсиз ёшлар ва битирувчилар бандлиги таъминланади. Раислар маҳалла ёшларининг қизиқиши реестрини тузади, тарбияси оғир, ҳуқуқбузарлик қилган ёшларга маҳалла фаолларидан мураббий бириктирилиб, “Бир нурунийга ун нафар ёш” лойиҳаси самарали ташкил қилинади. Энг муҳими, ёшлар билан туман даражасида ўтказиладиган тадбирлар, аввало, маҳаллада, маҳалланинг ҳар бир кўчасида ташкил қилинади.

Умуман олганда, ўзаро ҳамкорлик Меморандуми доирасида Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида “Янги Ўзбекистон шукроналиги” мавзусида танловлар ўтказиш, ҳар бир маҳалла ҳақида китоб ва каталоглар яратиш белгиланган. 208 та туман (шаҳар) ҳамда 14 та ҳудудда “Шукроналик” номли китоблар чоп этилади, энг муносиб иштирокчилар совғалар билан тақдирланади ҳамда маҳаллаларда ҳар фаслда биттадан баъдий асар танланиб, 208 асардан иборат каталог ва фотокўргазмалар ташкиллаштирилади.

Мазкур меморандум маҳалла ва ижодий жамоатчилик ҳамкорлигини янги bosқичга олиб чиқиб, жойларда маънавий-маърифий ишлар самардорлигини янада оширишга хизмат қилади.

**АНИҚ ТОИФА, ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ВА КАФОЛАТЛАНГАН НАТИЖА — БОШ МЕЗОН!**

Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари “қизил” ва “сарик” тоифадаги ҳар бир маҳалланинг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича йиллик дастур ишлаб чиқади. Албатта, дастурда маҳалланинг “драйвер” йўналишлари, ўзига хос имкониятлари ҳисобга олинади, аҳоли ташаббуслари асосида янги “ўсиш нуқталари” белгиланади, йиғинларни “яшил” тоифага ўтказишнинг аниқ муддатлари кўрсатилади.

Барча кўрсаткичлар соҳаси бўйича тегишли давлат ташкилотларига бириктирилади. Мисол учун, инфратузилма учун ҳокимлик жавобгар бўлса, тадбиркорлик, камбағалликни қисқартириш, ишсизликни камайтиришга тижорат банклари, молия ва бандлик ташкилотлари жалб этилади. Жиноятчиликни камайтиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар тажрибасидан фойдаланилса, низоли оилалар билан хотин-қизлар ва оила бўлимлари шуғулланади.

Жараёнда яна бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратилади. Яъни бундан буён ижтимоий ривожланиш ва инфратузилма дастурлари, тармоқ дастурлари, давлат ташкилотларининг йиллик дастурларини ишлаб чиқишда “қизил” ва “сарик” тоифадаги маҳаллалар муаммоларини биринчи навбатда ҳал этиш чоралари кўрилади. Бу дегани, эндиликда Давлат дастурлари, аввало, инфратузилма, тадбиркорлик, камбағаллик, ишсизлик, жиноятчилик, низоли оилалар, аҳоли мувожазатлари бўйича энг “оғир” саналган маҳаллалардан бошланади.

“Маҳалла инфратузилмасини янада такомиллаштириш ва уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш бўйича устувор Ислохотлар дастури”да, шунингдек, маҳаллаларда аҳоли муаммоларини “хонадонбай” урганиш ва уларнинг ҳал этилишини онлайн назорат қилиш тартиби жорий этилади.

**Муҳим жиҳат шуки, “қизил” ва “сарик” тоифадаги маҳаллаларнинг кўрсаткичларини яхшилаш ҳолати тегишли ҳокимликлар, вазирилик ва идоралар фаолиятини баҳолаш мезони сифатида белгиланади.**

Бу нега керак? “Маҳалла еттилиги” вакиллари ҳар бир хонадон кесимида муаммоларни режа-жадвалга асосан ўрганади, аниқланган муаммолар “Рақамли маҳалла” электрон платформасига кирилади. Платформада муаммолар тегишли бўйича сунъий интеллект орқали тегишли вазирилик ва идораларга тақсимланади, улар ҳал қилинмагунга қадар ижро ҳолатини Вазирлар Маҳкамаси қатъий назоратга олади.

Бу орқали эндиликда маҳалладаги муаммолар шунчаки ўрганилмайди, балки ҳар бир аниқланган масаланинг ечими бўйича ҳам аниқ сўров бўлади. Демакки, “еттилик”нинг аҳоли муаммолари билан ишлашдаги ваколати оширилади, улар “Рақамли маҳалла” платформасига киритган масалалар аниқ муддати билан ечим топади.



Яна бир жиҳат — аҳолининг аниқланган муаммолари ижобий ҳал этилиши вазирилик ва идоралар, уларнинг раҳбарияти фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири сифатида белгиланади.

Сирасини айтганда, Ислохотлар дастурида белгиланган вазифалар ижроси маҳалланинг ваколатини оширади, аҳоли муаммоларига жойида, тезкор равишда ечим топиш имкониятини яратади. Энг муҳими, эндиликда аниқланган ҳар бир муаммо у бартараф этилмагунга қадар қатъий назоратга туради. Яъни бундан буён камчиликларга “ўрганилди, маслаҳат берилди, ечими топилди”, дея юзаси ёндашув бўлмайди. Аксинча “аниқлаш → назорат → натижа” мантиқий кетма-кетлиги таъминланади.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

**Маҳаллани ривожлантириш масалалари муҳокамалар марказида**

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Қаҳрамон Қуронбоев Ургут туманида қарийб 100 нафарга яқин тадбиркор иштирокида очик мулоқот ўтказди. Унда соҳа вакиллари ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди, муаммоларини атрофлича баён этди.

Мулоқотда, шунингдек, тадбиркорлар жорий йил давомида Ургут туманида амалга оширилиши режалаштирилган инвестицион ва ишлаб чиқариш лойи-

ҳаларини тақдимот қилди. Янги иш ўринлари яратиш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган ташаббуслар илгари сурилди.

Йил бошида ўтказилган хатлов натижаларига кўра, туманда 9 368 нафар ишсиз фуқаро аниқланган. Бугунги кунга қадар уларнинг 1 700 нафари иш билан таъминланди. Жорий йилда меҳнат бозорига яна 10 минг 567 нафар фуқаронинг кириб келиши кутилмоқда. Учрашува

иштирок этган тадбиркорлар ушбу жараёнда фаол қатнашини, фуқароларни иш билан таъминлашини билдиришди.

**Навбатдаги манзил — Жиззах вилояти.** Жиззах шаҳридаги Ёшлар марказида маҳаллаларни ривожлантириш масалалари юзасидан очик мулоқот ўтказилди. Мулоқотда Бандлик дастури доирасида янги иш ўринлари яратиш, аҳолини касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ўзини ўзи банд қилиш тизимини кенгайтириш масалаларига


алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурлар ижроси, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни манзилли қўллаб-қувватлаш, даромад манбаларини кўпайтириш ҳамда уларнинг турмуш шароитини яхшилаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Бундан ташқари, “оғир” тоифадаги маҳаллалар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, муаммоларни жойида ўрганиш ва тезкор ҳал этиш, “маҳаллабай” ишлаш тамойили асосида



манзилли ёндашувни кучайтириш масалалари юзасидан масъулларга тегишли топшириқлар берилди.



**ҲУКУМАТ ҚАРОРИ БИЛАН**  
“Юк кўтариш қурилмаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.



**Халқаро таълим дастурлари жорий қилинган техник ходимларнинг МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ** белгиланди.



**Адлия вазирлиги НОТАРИУСЛИККА ТАЛАБГОРЛАР УЧУН** ягона танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни давлат рўйхатидан ўтказди.

**2026 йил  
14 ФЕВРАЛЬ,  
ШАНБА**

**Mahalla** №12

**3**

## “ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

### “Меҳнатга яроқли, қобилият ва интилиши бор одамни қўлладик, ютқазмадик”

**Турдихон Усмонова “Аёллар дафтари”да рўйхатда турарди. Тикувчилик ортидан рўзгор камини тўлдирини учун унга кредит ажратилди. Бу маблағ эвазига хонадонда кичик тикувчилик корхонаси очди. Бугун 5 та иш ўрни яратиш баробарида чорвачилик билан ҳам шуғулланыпти. Томорқада рўзгор учун зарур сабзавотлар етиштиряпти.**



“Драйвер” — узумчиликни ривожлантириш орқали ҳам янги иш ўринлари яратяпмиз. Одамлар хонадондаги 5-10 сотихли узумзордан ҳар йили 40-50 тоннагача ҳосил олади. Бир қисмидан майиз, шарбат, мураббо тайёрланса, бир қисми экспорт қилинади.



Адҳам Мамадалиев шу тарзда қўллаб-қувватланди. 2024 йилда имтиёзли кредит олиб, “SAFFIR TEXTILE” тикув корхонаси очди. Натижада ҳозирги кунда 30 нафар аҳоли бандлигини таъминлади. Уларнинг асосий қисмини “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” рўйхатида турганлар ташкил этади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ички бозорга етказиб берилляпти. Худуддаги “Обид туячилик” фермер ҳужалиги аҳолига шифобахш туя сутини етказиб бериш бў-

йича яхши тажрибага эга. Абдурашид Ёқубов бошқарувдаги ушбу ҳужалиқда 90 га яқин туя, 50 бош қорамол парваришляпти. Битта туя бир кунда ўртача 2 литргача сут беради. Айни кунда фермер гўшт ва сут маҳсулотлари савдоси учун хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этиш лойиҳасини ишга туширяпти. Бу билан иш ўринлари сони 50 тага етади. Маъруфхон Жалилов барпо этган 1 гектарлик замонавий иссиқхона бугун нафақат ҳосилдорлик,

балки бандлик масаласида ҳам намуна бўляпти. “Маҳалладан халқаро бозоргача” тамойили асосида помидор етиштиришда замонавий ёндашув жорий этилган. Лойиҳа доирасида 30 та доимий иш ўрни яратилгани аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этапти. Етиштирилган ҳосил хорижга экспорт қилиняпти. Офани кўчасида жойлашган иссиқхона 75 сотих майдонда жойлашган бўлиб, қалампир етиштиришга ихтисослашган.

К арс икки қўлдан чиқади, деганларидек, “маҳалла еттичилиги” ва аҳоли ҳамкорлиги натижасида доимий иш ўрнига эга бўлмаган, камбағал оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор беряпмиз. Таҳлилларга кўра, оғир ижтимоий вазиятга тушиш сабаблари ҳар хил. Шу боис унга ечимни алоҳида-алоҳида белгилаб олганмиз. Албатта, кўрилаётган чоралар ўз йўлига, лекин эришилаётган натижа қандай бўляпти, деган саволнинг жавоби кўпчиликни қизиқтиради. Чунки одамларни даромадли қилиш керак экан, деб кўр-кўрона иш юритиш ярамайди. Саъй-ҳаракатлар, аввало, аниқ самара келтириши зарур. Биринчи навбатда, меҳнатга яроқли фуқаролар бандлигини таъминлашга эътибор қаратяпмиз. Бу жараёнда қобилияти ва иштиёқи бор инсонларни тадбиркорликка йўналтиряпмиз. “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳаси асосида янги иш ўринлари яратиш орқали ўз тадбиркорлигини йўлга қўйганлар, иш ўрни яратганлар кўпайиб борапти.

**Алишер ҲАМРОЕВ, Янги Наманган туманидаги “Мустақилликнинг 5 йиллиги” маҳалласи ҳокими ёрдамчиси.**



ОЧИҚ МИНБАРДАГИ ОШКОРА ГАПЛАР

### Кредит тўлови кечикса, жазолаш, бу — ягона йўл эмас!

**Бугунги кунда маҳсулотларни кредит ёки бўлиб тўлашга олиш кўпчилик учун кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланган, десак муболаға бўлмайди. Одамлар энг кичик маиший техникалардан тортиб, автомобиль ёки уй-жой харид қилишгача бўлган турли мақсадлар учун банклардан қарз оляпти.**



Хайрулло ФАЙЗ.

У зим ҳам ипотека кредити олганман. Хар ой шартнома бўйича белгиланган муддатда тўловни амалга ошириб бораман. Лекин февраль ойидаги тўловни амалга ошириганимдан кейин менга яна кетма-кет “SMS” ва телефон кўнғирогои бўлди. Қарзим борлиги ва кунлик пеня қўшилаётгани ҳақида хабар кела бошлади. Масалани аниқлаштириш учун банк ходимлари билан боғландим. Маълум бўлишича, тавсия қилинган суммадан 30 минг сўм кам тўлабман. Уша кунлик қарзимдан қўтулдим. Аммо кўнғироклар тиммади. Яна мутахассис билан боғландим. Энди муддати келмаган қарздорлигим учун ҳам пеня қўшилаётганини айтишди. Тасаввур қиляпмизми, муддати келмаган қарз учун ҳам пеня қўшиляпти. Аслида эса бу қарзни тўлаш муддати шартнома бўйича келгуси ойнинг 5-санасида, деб кўрсатилган. Юқоридаги ҳолат жисмоний шахсларнинг кредит сиёсатининг бир кўриниши. Афсуски, тадбиркорларга берилётган кредит маблағларини қайтаришдаги муаммо бундан-да, катта. Масалан, кечиктирилган тўловлар учун пеня, қўшимча фоиз ва жарималар... Бу масала кўни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бежиз кўтарилмади. Депутат Диёр Ҳусанов тижорат банкларининг кредит бўйича кечиктирилган тўловларга ҳаддан ташқари катта пеня ва жарима қўллаётгани борасида Марказий банки раиси Тимур Ишметовга депутатлик сўрови юборди.

БИЛИБ ОЛИНГ!

### ХОРИЖДАГИ БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ҚАНДАЙ ТАҚСИМЛАНАДИ?

**Қонуний меҳнат миграциясини жорий этишда хусусий бандлик агентликларининг улуши катта. Шу мақсадда Адлия вазирлиги “Хориждаги бўш иш ўринларини хусусий бандлик агентликлари ўртасида тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги низомни давлат рўйхатидан ўтказди.**



**Гулрух ТўЛАЕВА, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги матбуот котиби:**

Хўш, бу билан нима ўзгарди? Аҳолига қандай қўлайлик яратилди? Аввало, шаффофлик таъминланди. Энди Миграция агентлиги хорижий иш берувчилар ва рекрутинг ташкилотларидан жалб қилинган бўш иш ўринларини хусусий бандлик агентликлари ўртасида очик танлов йўли билан

тақсимлайди. Жараёнда бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар электрон платформада эълон қилинади. Квоталар тўғрисидаги эълон муддати 5 иш кунидан кам бўлмаслиги керак. Хусусий бандлик агентликлари эълон жойлаштирилган кундан бошлаб, ундаги белгиланган муддат тугагунга қадар ариза юбориши мумкин. Квота аризаси ижобий қабул қилинган хусусий бандлик агентликлари ўртасида тенг тақсимланади.

Муҳими, жараёнда хорижда ишлаш истагини билдирган шахсларни квоталар доирасида ишга жойлаштириш ҳолати ҳам ўрганилади. Хусусий бандлик агентликлари хорижий иш берувчи билан ҳамкорлик шартномасини тузади ҳамда фуқароларни ишга юбориш чорасини кўради.

**Ота-боболаримиз ерни боқсанг, ер сени боқад, деб бежиз айтишмаган. Бу ишни йўлга қўйиб олган инсон бировга қарам бўлмайди. Ҳатто, нафақада ҳам ишлайверади, пенсия ёши қачон келади, деб йил санамайди.**

**Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фаргона вилояти бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.**

КИЧИК ЛОЙИҲАДАН КАТТА НАТИЖА



### Бахт ва барака бир қадам наридаги томорқадан топилди

У миджон 2024 йилда қисқа муддатли таътилга келганида ҳаётида катта ўзгариш юз берди. Маҳалла масъулари у билан суҳбатлашиб, томорқадан унумли

фойдаланиб, имтиёзли кредит асосида иссиқхона қуриш тақлифини билдирди. Бу янгилик бироз ўйлантириб қўйди. Охири тажриба сифатида синаб кўришга қарор қилди. Имтиёзли кредит олиб, иш бошлади. Дастлабки йили “Қора акула” навли қалампир экиб, кредит маблағини муддатидан аввал тўлади. Утган йили ноябрь ойида 3 сотих иссиқхонага қўчат

ўтказди. Қиш мавсумида ҳосилга кирган қалампир томорқа эгасига дарқарор даромад келтира бошлади. Қолган майдонга саримсоқлиёз ва турли кўкатлар экди. Деярли умрининг 8 йилини мусофирликда ўтказган йигит бугун уста деҳқонга айланди. Умумий 8 сотихли иссиқхонадан йил давомида 4 марта ҳосил олиб, барчага намуна бўлмоқда.

**Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.**

Йиллик даромади 80-100 миллион сўмни ташкил этмоқда. Унинг айтишича, қишлоқ шароитида томорқаси бор инсоннинг “ишсизман” деб нолиши асоссиз. Чунки бахт ва барака узоқ юртларда эмас, ўз уйи, оиласи бағрида.



Гап шундаки, Марказий банкнинг 2025 йил 20 январдаги тижорат банкларига йўллаган хатида жарима ва пенялар бўйича тавсиялар берилган. Амалда эса айрим банклар бу тавсияни “уйин қоида”га айлантириб, тадбиркор ва оддий истеъмолчинни қийин аҳволга солиб қўяпти.

Ўз ўрнида ҳақли савол туғилади. Кечиктирилган тўловлар учун қўллаётган пеня ва қўшимча фоизлар тадбиркорлар ва аҳолининг молиявий аҳволига қандай таъсир қилаётгани бўйича таҳлил борми? Марказий банк бундай босимни юмшатиш учун қандай чоралар кўряпти? Регулятор сифатида Марказий банк кечиктирилган кредит (микрораз) бўйича жарималар адолатли ва мутаносиб қўлланиши учун қонунийликка ўзгартириш киритишни режалаштиряптими? Банклар қўллаётган санкциялар реал кредит харажатларига мутаносибми ёки йўқми — бунга аниқ жавоб керак.

**Бу ерда гап “тадбиркор кредитини кечиктирди, энди ҳаммасига ўзи айбдор” деган оддий ёндашувда эмас. Бозорлар ёпилган, талаб пасайган, нархлар ўзгарган бир даврда реал секторни жазолаш — бутун иқтисодиётга зарба.**

Фоиз сиёсатида ҳам, пеня ва жарималарни қўллашда ҳам кредит — одамни қўқтириб юбориш учун тош эмас, уни олдинга ундаш учун восита бўлиши керак.



Ўқитувчиларга миллий сертификат олиш харажатларини қоплаш учун СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ.



2025 ЙИЛДА АҲОЛИ БАНКЛАРГА 21,7 миллиард доллар миқдориди валюта сотди, 12 миллиард доллар валюта сотиб олди.



1 мартдан “оғир” туманларда оилавий тадбиркорлик учун ЙИЛЛИК 12 ФОИЗ МИҚДОРДА КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛАДИ.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”



...Тобим йўқлиги сабаб шифохонага даволаниш учун ётадиган бўлиб қолдим. Менга ажратилган хонага кирсам, икки бемор аёл суҳбатлашиб ўтирган экан. Салом-алиқдан кейин буюмларимни жойлаштиришга киришдим. Улар гапини келган жойидан давом эттирди.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

ҚАЙНОНАДАН НОЛАСИ БОР КЕЛИНИ КИМ “КЕЛИНГ”, ДЕЙДИ?..

Шаҳноза РАҲИМХҲУЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

— Эй, шу қайнонам ёмон жонимга тегди. Ҳамма ишимдан камчилик қидиради. Утирсам ўпоқ, турсам супокман. Ҳеч мендан рози бўлганини эслолмайман, — деди ёшроғи.

— Нимасини айтасиз, менинг ҳам аҳволим шу эди. Яхши ҳам эримнинг иш жойи ўзгариб, шаҳарга кўчиб келдик. Уй юмушларидан, айниқса, қайнонамнинг қовоқ-тумшугидан қутулдим, — деб шериги ҳам унинг ёндашувини ёқлади.

Шу гаплардан кейин “ярк” этиб уларнинг юзига қарадим. Кўринишидан ҳали ўттизга ҳам чиқмаган келинлар. Айни ҳаётдан завқ туйиб яшайдиган паллада уларнинг қалбидаги бу нафратга ҳайрон қоласиз. Бир мuddат ўз хаёлларим билан овора бўлиб қолдим. Аёллар доим шундай қайнонаси ёки турмушидан нолиб яшайдими? Бунда кимнинг айби кўпроқ? Наҳотки, бир оилада соғлом муҳитни юзга келтириш шунчалик қийин бўлса?!

Шу пайт болалик хотирлари мени ўтмиш сари етаклади. Кўз ўнгимда онам ва бувимнинг самимий суҳбатлари гавдаланди. Келинни ўз кизидек суйиб, тансиқ таомларни унга илинаётган аёл ундан ўзига нисбатан шундай муносабат қайтишини биларди. Уларнинг бирга ўтказган вақти доим хурсандчилик ва кулгуга йўғрилган бўларди. Кўни-қўшнилари ҳаммаси оиламизга ҳавас билан қарарди.

Назаримда, ширин ва бахтли оила қуришга тайёргарликни анча эрта бошлаш керак. Оилада киз фарзанд дунёга келгандан унинг қалбида меҳр ва муҳаббат туйғуларини уйғотиш зарур. Буни опа-укасига чиройли муомала қилиш, оила катталарига хурматда бўлиш каби жиҳатлардан бошлаш керак. Қолаверса, кўни-қўшнилари ҳолидан хабар олиш, уларга тансиқ таомларни улашиш каби азалий қадриятларимиз орқали фарзандларимизда инсонпарварлик фазилатлари шакллана бошлайди.

Меҳнат — тарбиянинг муҳим воситаларидан бири. Оддий уй юмушларини бажаришда кизимизнинг масъулият ҳис қилиши эртага узатилганда ҳам рўзгорининг ободлиги учун хизмат қилади. Охириги вақтларда ёшларимиз орасида илм олишга, ўқишга иштиёқ анча ортгани сезилаяпти. Бундан фақат хурсанд бўлиш керак. Лекин айрим ота-оналар “болам ўқиши керак”, деб уй ишларидан бутунлай озод қилиб қўяётгани ҳам рост. Назаримда, ҳар нарсанинг меъёри ва мезони бўлгани яхши. Айниқса, ўзга хонадонга узатиладиган киз билими билан бирга зукколиги, саранжом-саршталлиги билан хурмат топганига нима етсин.

...Телефоннинг жиринглаши хаёлларимни тўзатиб юборди. Шерикларимдан бири гўшакни кўтариб, онасига қайнонасининг йиқилиб, оёғини қайириб олганидан хурсандлигини билдирди. Қандай қилиб бировнинг ташвишидан шодланиш мумкин? Яна у турмуш ўртоғини дунёга келтирган аёл бўлса...

Хулоса битта, фарзандимиз ўғил ёки киз бўлсин, аввало, уни инсон қилиб тарбиялашимиз керак. Шундагина улар ўзи ва атрофидагиларнинг тинч, хотиржам ва бахтли ҳаёт кечиршида муҳим ўрин эгаллайди.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХҲУЖАЕВА тайёрлади.

АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Рағбат ва дастак интилиш ва иқтидорга мос бўлса...

Ҳар соҳанинг ўз масъулияти ва имкониятлари бўлади. Маҳалла тизими ҳам инсондан фидойилик ва жонбозликни талаб қилади. Астойдил меҳнат қилиш эса бизга олам-олам тажриба ва малака бериши шубҳасиз.



Клара КҮЧИЕВА, Зарбдор туманидаги “Оқар” ва “Навбахор” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Узоқ йиллик педагогик фаолиятим давомида болаларга таълим-тарбия берган бўлсам, энди уларнинг ота-оналари билан ишлаяман. Фуқаролар билан суҳбатлашар эканман, уларнинг қалбини ўртаётган ғам-ташвишларига ошно тутинишга ҳаракат қиламан. Шунчаки хонадонига хатлов учун келган ходимга ҳеч ким дардини дoston қилмайди. Қачонки “еттилик” вакиллари бирлашса, натижа яққол кўзга кўринади. Айниқса, хотин-қизлар йўналишида ижтимоий ходим

Мадина Абдуразоқова беш йиллик меҳнатлари самараси ўлароқ, яқинда Хунармандлар уюшмаси аъзоси бўлди. У тикаётган бир-бирдан бежирим миллий либослар ҳамманинг эътиборини бирдек тортади. Атлас ва адрас матосидан тайёрланган чопон ва нимчаларнинг харидори кун сайин ортиб борапти. Хунарманд ишсиз опа-сингилларимизнинг касб эгаллашига ҳам муносиб ҳисса қўшяпти. Бундан ташқари, қасаначилик асосида 5 нафар аёлнинг уйида даромад топишига кўмаклашяпти.

Агар чекка қишлоқларда истикомат қилаётган хотин-қизлар учун кўпроқ субсидия ва ссудалар ажратилса, яхши бўларди. Сабаби, орамизда иқтидорли ва янги иш бошлаш истагидаги аёллар жуда кўп. Фақатгина уларга дастак керак. Молиявий имкониятларнинг кенгайиши эса янги-янги иш ўринларининг яратилишига замин демак.

ДАРОМАД МАНБАИ

НАФАҚАДА-КУ, АММО УЙДА ЖИМ ЎТИРМАЙДИ

Шижоати баланд, умри меҳнат қилиш билан ўтказган инсон кексайганда ҳам ҳаракатдан тўхтамайди. Шу орқали вақтини мазмунли ўтказди, саломатлигини мустаҳкамлайди.

Ҳафиза УБАЙДУЛЛАЕВА, Пастдаргом туманидаги “Қўқони” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Маҳалладошимиз Робия она Ҳайтова бунга яққол мисол бўла олади. Ҳозир у нафақада, лекин шунга қарамай, уйда жим ўтиргани йўқ. Янгича ташаббуслар орқали оилавий бюджетга муносиб даромад келтирмоқда. Аёл ҳовлиси ҳамда дехқон ҳўжалиги учун ажра-

тилган ҳудудда жами 6 сотих ер майдониди қулупнай етиштириш билан шуғулланапти. Шу билан бирга, экиндан бўш қолган жойларга саримсоқ пиез экиб, яхшигина ҳосил оляпти. Мазкур меҳнати эвазига Робия она йил давомида ўртача 100 миллион сўмдан ортиқ фойда кўрапти. Бугун унинг оила аъзолари ҳам бир тану бир жон бўлиб, ушбу ишга жалб этилган. Қувонарли жиҳати, кичик ташаббус ортидан хонадон вакиллари тўқин-сочин ва фаровон турмуш кечиряпти.



НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

ХУНАРИ БОР АЁЛГА ҲАВАСМАНДЛАР КҮН БҮЛАДИ

Кўлида хунари бор, доимий меҳнат билан банд бўлган аёлга ҳамма ҳавас билан қарайди. Нозик дид ва қалб кўрени бериб яратилган ҳар бир санъат асари кишини ўзига ром этиши аниқ. Қолаверса, бекор вақт ўтказгандан кўра, ишлаб, рўзгорга барака киритишга нима етсин.



Абдували БҮРИЕВ, журналист.

Нурота туманидаги “Мустақиллик” маҳалласида истикомат қиладиган Баҳора Мамаражабова шундай тиниб-тинчимас аёллардан бири. Дастлаб хунарманд ўз хонадониди бир неча нафар аёлга кашта тикишни ўргатиш орқали уларнинг даромад топишига кўмаклашди. Кейинчалик фаолиятини кенгай-

тириб, янги иш ўринларини яратди ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш буйича аниқ таклиф ва режалар ишлаб чиқди. Натижада Нурота туманида ягона бўлган, 8 та хизмат турини ўз ичига олган “Адиба каштачилик маркази” ташкил этилди. — Марказимиз фаолият бошлаганига бир йил бўлган бўлса-да, шу қисқа вақт ичиди “Устоз-шогирд” анъанаси асосида 100 нафар хотин-қиз каштачиликни ўрганди, — дейди

Баҳора Мамаражабова. — Шу билан бирга, марказда 110 нафар хотин-қизнинг расмий бандлиги таъминланиб, улар учун доимий иш ўрни яратилди. Бу эса нафақат аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, балки оилалар фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Жорий йилда ҳам тадбиркор Баҳора Мамаражабова туманининг олис қишлоқ ҳудудларида кўшимча каштачилик марказларини ташкил этишни режалаштирган.

Бу режалар амалга ошса, яна кўплаб хотин-қизлар касб-хунар эгаллаб, доимий даромад манбаига эга бўлиши шубҳасиз.



Ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотлари **МИЛЛИЙ РЕЙТИНГИ** жорий этилади.



Янги ўқув йилидан бошлаб, **Навоий ва Зарафшон** мактабларида **ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН "IT" СИНФЛАРИ** очилади.



Ўтган йили **омбудсман идораси** фуқаролар фойдасига **11,8 МИЛЛИАРД СЎМДАН ОРТИҚ МАБЛАҒ** ундирилишига ёрдам берди.

**2026 йил**  
**14 ФЕВРАЛЬ,**  
**ШАНБА**

**Mahalla** №12

**5**

## “ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА ҚўМАКЧИ

### ҲАЁТДА ТАНЛОВ ЎЗИМИЗНИКИ БЎЛИШИ МУМКИН, АММО ВАҚТ ВА ИМКОН ҲЕЧ КИМНИ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Баъзан ёшлар билан суҳбатлашсам, айримлари шундай дейди: “Шунча шароит бор, аммо қўлимдан келармикан?” Ана шундай гапларни эшитганимда ичимдан бир ўй ўтади: ёшлик бир марта берилади, у сизни бир умр кутиб турмайди. Вақт ўтади, имконият ҳам ўтади. Кейин “қанийди...” деган армон қолади.

**Ғолиб НИЁЗОВ,**  
**Косон туманидаги “Уйрот” маҳалласи ёшлар етакчиси.**

Баъзан уларни танқид ҳам қиламан. Аммо бу танқид ортида ачиниш, куйиниш бор. Чунки ҳар бир йигит-қизнинг қўлидан катта иш келишига ишонман. Мисол учун, кўча бўйлаб кетяпсиз. Дарахт шохида бир дона олма турибди. Қўл узатсангиз етади. Уни узиб олиш ҳам, шунчаки ўтиб кетиш ҳам ўз ихтиёрингиз. Имконият ҳам худди шундай: қўл узатсангиз бас. Ҳеч ким уни мажбурлаб қўлингизга тулқазмайди. Аммо тўғри йўл кўрсатганингизда, айрим ёшларнинг ғайрат билан ҳаракатга тушгани кишига завқ бағишлайди. Шундай пайтда “демак, бекорга гапирмабман”, дейсиз. Бугун фаровонлигимиз ошгани сайин электр энергиясига эҳтиёж ҳам ошмоқда. Бу эса мукбил энергия манбаларидан фойдаланиш қанчалик муҳимлигини кўрсатади. Кўёшли юрда яшаб туриб, қўёшдан фойдаланмасак, бу ҳам имкониятни ўтказиб юбориш эмасми?

*Энг муҳими, Ислоҳ фақат ўз уйини таъминлаб қолмади. Бу йўналишда тадбиркорликни йўлга қўйди. Бугун у нафақат Косон туманида, балки Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ҳам 50-100 киловаттлик қўёш станцияларини ўрнатиб берапти. Сервис хизматларини ҳам йўлга қўйган. Талаб эса жуда юқори.*



Маҳалламизда истиқомат қилаётган ёш тадбиркор Ислоҳ Шойимардонов бунга ёрқин мисол. “Еттилик” тавсияси билан у дастлаб хонадонига 1,5 киловатт қувватга эга қўёш станцияси ўрнатди. Панеллари оддий, кристалл турдаги, самарадорлиги унчалик юқори эмас эди. Лекин қизиқиши кучли бўлгани сабабли аввал ўзининг кунлик ва ойлик электр харажатларини қўлашнинг мақсад қилди. Натижа кутганимиздан ҳам зиёда бўлди. Орадан вақт ўтиб, қувватни 20 киловаттга етказди. Ўтган ой умумий қувватни 35 киловаттлик қилди. Ҳозир тизим тармоқ билан параллел ишлайди. Ўз эҳтиёжидан ортган электр энергиясини давлатга сотмоқда. Ҳар киловатт учун субсидия асосида 100 сўмдан, ойига ўртача 4,5 миллион сўм даромад ҳам қилапти. Ислоҳ бу ишни катта маблаг ёки катта тажрибадан эмас, қизиқиш ва биринчи қадамдан бошлади. Агар у ҳам “Кейинроқ қиларман” деганида, бугунги натижа бўлмас эди.

*Имконият дарахт шохидаги олма каби турибди. Уни узиш ёки шунчаки қараб ўтиб кетиш — танлов ўзимизники. Лекин унутманг, вақт ўтади, олма пишиб ерга тушади. Шунинг учун бугун ҳаракат қилган ютади.*



Саҳифани **“Mahalla”** муҳбири **Шаҳноза ХАЛИЛОВА** тайёрлади.

РАҚАМЛИ СТАРТАПЛАР

### “Work and Travel”, бу — шунчаки сафар эмас, ёшлар учун ҳаёт мактаби!

Сўнгги йилларда талаба ёшлар учун хорижга бориб ишлаш, тил ўрганиш ва тажриба орттириш имкониятлари кенгаймоқда. “Work and Travel” дастури орқали АҚШ, Европа давлатлари, Жанубий Корея, Япония, Канада, Австралия ва Янги Зеландия каби мамлакатларга бориш учун шароит яратилган.



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Энг муҳими, йўл ва бошқа харажатлар учун БҲМ-нинг 40 баравари миқдоридан сўда ажратилмоқда. Бу кўплаб ёшлар учун катта энгиллик. Ўтган йил якунига қадар ушбу имкониятдан фойдаланиш учун 648 нафар талаба ариза топширди. Саралаш натижасида 97 нафар ёш Германия ва Болгарияга йўл олди. Самарқанд, Фарғона ва Жиззах вилоятлари энг фаол ҳудудлар бўлди.

**Маълумот учун, ариза топширувчи агар 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган талаба бўлса, (битирувчи курсдан ташқари) ва Ўзбекистондаги олий таълим муассасасида кундузги, кечки ёки сиртки таълим шаклида ўқиётган бўлса, “Work and Travel” дастури орқали хорижга бориш ва келиш харажатлари учун сўда олиш ҳуқуқига эга. Сўда олиш учун белгиланган тартибда ариза топширилиши керак. Аризани туман (шаҳар) Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали юбориш мумкин.**

Ҳўш, бу имкониятлар ёшларга нима беради? Аввало, хорижга чиққан ёш муштарак бўлади. Ота-онадан, таниш муҳитдан узоқда яшаш инсонни тез улғайтиради. У вақтни қадрлашни, пулни тежашни, қонун-қоидага амал қилишни ўрганади. Энг муҳими, меҳнатнинг қадрига етади. Иккинчидан, тил ўрганиш масаласи. Синфда ўрганилган тил бошқа, ўша тил муҳитида яшаб, ишлаш бутунлай бошқа. Ёшлар нафақат тилни, балки муомала маданиятини, иш тартибини, масъулиятни ҳам ўрганади.

Яқинда Ўзбекистон ёшлар делегацияси Германияга бориб, талабаларнинг яшаш ва ишлаш шароитларини ўрганди. У ерда ҳамкор ташкилотлар билан ёшларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси, хавфсиз ва қонуний иш ўринларини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди. Бу жуда муҳим, чунки ёшлар чет элга ёлғиз эмас, тизимли кўллаб-қувватлаш билан бориши керак. — Аввалига қийин бўлди, тил ва иш тартибига қўйиш осон эмас экан, — дейди Германияда ишлаб қайтган самарқандлик талаба Шаҳноза Умаров. — Лекин бир ой ўтиб, ўзимга ишончим ошди. Меҳнатим билан пул топиш, чет элликлар билан тенг ишлаш катта тажриба бўлди. Энг асосийси, интизомни ўргандим.

Мана шу оддий гаплар ортанда катта ҳақиқат бор. Хориж тажрибаси ёшларни ўзгартиради. У фақат пул топиб келмайди, балки қарашни, фикрлашни, мақсади ҳам ўзгаради.

Хулоса қилиб айтганда, “Work and Travel” дастури, бу — шунчаки сафар эмас, бу ёшлар учун ҳаёт мактаби. Дунё кўрган, тажриба орттирган, тил билладиган ёш — эртанги кунимизнинг таяниши. Энг муҳими, улар ўрганиб, тажриба олиб, яна ўз юртига қайтмоқда. Ана шунда бу имкониятнинг ҳақиқий фойдаси билинади.

БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПАПТИМИ?

### ТАШАББУСКОРЛИК, БУ — ОРЗУНИ АМАЛИЙ ҚАДАМГА АЙЛАНТИРИШДИР

“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури бугун кўплаб оилаларга ўз орзусини рўёбга чиқариш ва муштарак даромад топиш имконини бермоқда. Ана шундай ташаббускор ёшлардан бири – Когон туманидаги “Геофизика” маҳалласида яшовчи Жавоҳир Эшонқуловдир.



Дилшода СОДИҚОВА.

ЁШЛАР СЎРАЙДИ...

#### ИККИНЧИ МУТАХАССИСЛИК ТЎЛОВИДА ИМТИЁЗ БОРМИ?

**Лобар ТОШПҲАТОВА,**  
**Қашқадарё вилояти:**

— Мен 25 ёшданман. Ҳозирда мактабда ишлаётган, 1,5 ёшли фарзандим бор. Турмуш ўртоғим яқинда вафот этди. Айни пайтда иккинчи мутахассислик бўйича олий таълим муассасасида 4-босқичда шартнома асосида таҳсил оляпман. Менга шартнома тўловини тўлашим учун имтиёзлар борми?

**Наргиза ЭШОНҚУЛОВА,**  
**ҳуқуқшунос, адвокат:**

— Боқувчисини йўқотган аёл сифатида сиз қатор ижтимоий қарорларга эгасиз. Хусусан, фарзандингиз давлат боғчасида ота-оналар тўловидан озод этилади. Агар оилангиз кам таъминланган деб топилса, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” орқали бола пули ёки моддий ёрдам олиш ҳуқуқингиз бор. Бундан ташқари, агар қонун


талаблари асосида қарамоғида бўлган шахс сифатида тан олинсангиз, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш имконияти ҳам мавжуд. Шунингдек, амалиётда олий таълим муассасалари ижтимоий ҳолатдан келиб чиқиб, шартнома тўловини бўлиб-бўлиб тўлаш ёки мудаттини узайтириш масаласини кўриб чиқиши мумкин. Сизга ОТМ маъмуриятига ва яшаш жойингиздаги ижтимоий ҳодимга мурожаат қилишингиз тавсия этилади.

*Энг муҳими, бу ташаббус нафақат Жавоҳирнинг ўзига, балки унинг оила аъзоларига ҳам даромад манбаи бўлди. Оила аъзолари ҳам ишлаб чиқариш жараёнида фаол иштирок этиб, бир жамоа бўлиб меҳнат қилмоқда. Бу эса оилавий бирдамликни мустаҳкамлаш билан бирга, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини ошираётир.*

У дастур доирасида 10 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, шу маблағ эвазига қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун замонавий ускуналар харид қилди ва ўз хонадонига кичик ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Дастлаб кичик ҳажмда бошланган иш бугун барқарор фаолиятга айланди. Ҳозирда Жавоҳир 10 турга яқин ширинлик маҳсулотларини тайёрламоқда. Маҳсулотларнинг сифати ва мазаси хариддорларга манзур бўлиб, у қисқа фурсатда ўзининг доимий mijozларига эга бўлди. Буюртмалар сонининг ортиб бораётгани эса ёш тадбиркорнинг ишига бўлган ишонч ва талаб кундан-кунга ошаётганини кўрсатади. Ёшлар шуни унутмаслиги керакки, кичик қадамдан бошланган иш ҳам вақт ўтиб катта натижаларга олиб келади. Жавоҳирнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, меҳнат, қатъият ва тўғри йўналтирилган имконият муваффақият қалиبتидир.



Хукумат қарори билан зўравонликдан жабрланган болаларга ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ тартиби белгиланди.



Бензин учун ОЙЛИК ПУЛ КОМПЕНСАЦИЯСИ миқдори 2026 йилнинг I чорагидан бошлаб 208 760 сўм этиб белгиланади.



Ассосиз қарздорлик билан электр тўловларига киритилган чекловлар сабаб ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИГА сўров юборилди.

6

Маҳалла №12

2026 йил 14 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

## “МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ



ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

## ҲИСОБОТ ЭМАС, ИНСОН ТАҚДИРИГА ДАҲЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ КУЧЛИРОҚ

Маҳалла ижтимоий ходими, бу — фақат ҳужжатлар билан ишловчи мутахассис эмас, балки инсон қалбига йўл топа оладиган, муаммоларни тинглайдиган ва ечим излайдиган фидойи касб эгасидир. Шу маънода фаолиятим давомида ҳар бир эҳтиёжманд фуқаронинг ҳолатини чуқур ўрганиб, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш, ижтимоий адолат ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилиб келяпмиз.

Мухтарама АБДУЛЛАЕВА, Вобкент туманидаги “Сўфидехон” маҳалласи ижтимоий ходими.



## ДАРД ЧЕКМАСДАН, МЕҲР ВА ҒАМҲЎРЛИҚДАН БАҲРАМАНД ЎССА ГЎДАК...



Дилноза ҲУСАНОВА, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Оғир ҳаётини вазиятдаги болаларга ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси.

Жорий йилнинг 1 февралидан Ўзбекистонда зўравонлик хавфи остидаги болаларни ҳимоя қилишда “Профессионал тутинган оила” хизмати ишга тушди. Бу шунчаки етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган гўдакларни уйга қабул қилиш эмас, балки зўравонликдан жабрланган ёки шундай хавф остида бўлган болалар билан ишловчи, махсус тайёргарликдан ўтган профессионаллашган ғамхўрлик шаклидир.

Профессионал тутинган ота-она бўлишни истаган шахслар учун аниқ талаблар белгиланган. Номзодлар 30 ёшдан 65 ёшгача жисмонан соғлом, судланмаган ва ўз хондонидан уч нафаргача болани қабул қилиш учун етарли шароитга эга бўлиши лозим.

Номзодлар махсус тайёрлов курсларида ўқитилади. Ушбу дастур халқаро экспертлар кўмагида ишлаб чиқилган бўлиб, унда ота-оналарга стресс, депрессия ва кўрқув исканжасидаги болалар билан қандай терапевтик мулоқот қилиш, уларнинг руҳиятидаги салбий кечинмаларни нейтраллаштириш каби касбий кўникмалар ўргатилади.

Профессионал тутинган оила ва “Инсон” ижтимоий хизматлари маркази ўртасида тузилган махсус шартномада ота-онанинг мажбуриятлари, боланинг ҳуқуқлари ва фаолиятга қўйиладиган талаблар аниқ белгиланади. Марказ боланинг қонуний вакили ҳисобланади ва оиладаги психологик ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда доимий равишда методик ва амалий ёрдам кўрсатиб боради. Марказ мутахассислари ва психологлар болада содир бўлаётган психологик ўзгаришларни таҳлил қилишади. Зарур бўлганда оилга услубий ва амалий маслаҳатлар беришади.

Профессионал тутинган ота-оналарга ҳар бир тарбияланаётган бола учун иш ҳақи ҳамда боланинг яшashi, озик-овқати ва кийим-кечаги учун давлат ҳар ой моддий таъминот ажратади. Бу жараёнда 7 ёшгача бўлганлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари ҳамда 7 ёшдан 18 ёшгача бўлганларга 7 баравари миқдоридан маблағ берилади.

Бу хизмат тури болани доимий асраб олиш дегани эмас. Аксинча, вақтинчалик ва мақсадли жараён бўлиб, вояга етмаган шахс оилада бўлган даврда ижтимоий ходимлар унинг биологик ота-онаси билан ҳам иш олиб боради. Агарда биологик ота-онанинг салоҳияти тикланса, фарзанд ўз оиласига қайтарилади. Агар бу хавфли деб топилса, у бошқа муқобил шакллarga (васийлик, фарзандликка бериш) йўналтирилади.

Худудимизда илгари “Камбағал оилалар реестри”да 44 та оила мавжуд эди. Аниқ чора-тадбирлар натижасида 12 та хонадон вакиллари рўйхатдан чиқарилди. Бу эса “Маҳалла еттичилиги”нинг ўзaro ҳамкорлиги ҳар бир оила билан индивидуал ишлаши, уларнинг бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини яхшилаш борасидаги самарали саъй-ҳаракатларидан далолат беради.

Шунингдек, маҳалламизда 82 нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилади. Уларнинг ижтимоийлашуви, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланиши, вақтинчи мазмунли ўтказиши буйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда ижтимоий ходим сифатида нафақат кўмакчи, балки уларнинг муаммоларига бефарқ бўлмаган ҳамроҳ сифатида меҳнат қиляпман.

Ўтган йили 6 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага васийлик тайинланиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфатлари ҳимояси таъминланди. Шунингдек, 6 нафар яққа-ёлғиз кексаннинг ҳолидан хабар олиниб, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Бундан ташқари, 7 нафар алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган боланинг илм олиши учун муносиб шароит яратиб берилди.



Бугунги кунда маҳаллада олиб борилаётган ижтимоий ишлар нафақат статистика ёки ҳисобот кўрсаткичлари, балки инсон тақдирига даҳлдор масъулиятли фаолиятдир. Шу боис ҳар бир амалий кўмак аҳоли фаровонлиги ва меҳр-мурувват муҳитини мустаҳкамлашда муҳим омил демек.



Саифураҳман МУХИБОВ, “Маҳалла” мухбири, Шаҳноза РАҲИМҲУЖАЕВА тайёрлади.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИАТ ЧЕКСИЗ

## Касби, ҳунари бўлса, келажакда бошқалардан кам бўлмайди

Фарғона шаҳрида жойлашган Икконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган махсус техникумда ўқувчиларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорликка йўналтириш бўйича тизимли ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфидаги ушбу маассасада таълим жараёнлари меҳнат бозори талабларига мос, инновацион ёндашувлар асосида ташкил этилгани билан аҳамиятлидир.

Айни пайтда техникумда 11 та йўналиш бўйича жами 425 нафар ўқувчи таҳсил оляпти. Ҳар бир ўғил-қиз ўз қизиқиши, қобилияти ва иқтидоридан келиб чиққан ҳолда муайян касб ёки ҳунар йўналишини танлаб, унинг назарий ва амалий жиҳатларини пухта ўзлаштирмоқда. Жумладан, тикувчилик, сотувчилик, пойабзалчилик, дизайнчилик, кутубхоначилик каби анъанавий йўналишлар билан бир қаторда мобил телефонлар ҳамда маиший техника жиҳозларини таъмирлаш каби замонавий ва талаб юқори бўлган касблар ҳам ўқитилмоқда.

Этиборлиси, барча йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Бу эса ўқувчиларнинг амалиёт ўташи, иш жараёнлари билан бевосита танишиши ҳамда келгусида иш билан таъминланиши имкониятини янада оширишга имконият беради. “Икконият – корхона – банк” лойиҳаси доирасида 270 нафар ўқувчи камраб олинган. Ушбу ташаббус орқали ишлаб чиқариш корхоналари келгусида ўз эҳтиёжи учун малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнларида фаол иштирок этапти. Банклар эса ўқувчиларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашда молиявий кўмак кўрсатмоқда.



Техникумда “Фаоллаштириш ва ресурс маркази” ташкил этилган бўлиб, унда замонавий компьютер графикаси мутахассисларини тайёрлаш йўлга қўйилган. Айни вақтда 10 нафар ўқувчи камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими иштирок этмоқда. Бу эса уларнинг рақобатбардosh билим ва кўникмаларга эга бўлишига хизмат қилиши аниқ.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ!

## ҲАР БИР БОЛА БАХТЛИ БЎЛИШГА ЛОЙИҚ

Инсон қалбининг энг қиммат неъматларидан бири – меҳр. Айниқса, бу туйғуни эътиборга муҳтож болаларга бағишлаш унинг қадрини янада оширади ва қалбларда илиқлик уйғотади.



Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, журналист.



Нуррафшон шаҳрида яшовчи Раъно Бозорова 2 фарзанди ёнига яна 5 нафар меҳрога муҳтож гўдакни қабул қилиб, оилавий меҳр-мурувват ва фидойилик намунасини кўрсатмоқда. — Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 декабрдаги қарори бизга катта тўртки бўлди, — Раъно Бозорова. — Ҳар бир бола бахтли бўлишга лойиқ. Биз уларга шу қувонччи ҳис қилиши учун астойдил ҳаракат қиляпмиз.

Болалар орасида Баҳодир тадбиркор бўлишни орзу қилади, Иля шифокорлик касбини танламоқчи. Артур футболга, Диана пазандачиликка қизиқади. Муҳаммад эса келажакда ички ишлар ходими вазифасида ишлашни хоҳлайди. Ҳар бир бола ўз орзуларига интилади ва оиланинг илиқ муҳити бунга катта ёрдам беради.

Бу оилада китобхоналик алоҳида қадрланади. Хонадон вакиллари кунни мутолаа билан бошлайди. Бундай муҳит ҳар бир боланинг руҳий ва интеллектуал ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Ҳозирда Тошкент вилоятида 34 та оилавий болалар уйлари фаолият юритади ва уларда 56 нафар бола тарбияланыпти. Шу жумладан, Бозоровлар оиласи ҳам меҳр, сабр, фидойилик ва инсонийлик тимсолига айланган. Бундай инсонлар бор экан, жамиятда меҳр сўнмайди, саховат йўқолмайди ва ҳар бир бола ўз орзусига етиш имконига эга бўлади.



Хукумат қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Миллий Координаталар Тизими тўғрисида”ги низом тасдиқланди.



“Республика радиоактив чикиндиларни сақлаш маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳукумат қарори қабул қилинди.



Хориждаги бўш иш ўринларини ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИКЛАРИ ўртасида тақсимлаш тартиби белгиланди.

2026 йил  
14 ФЕВРАЛЬ,  
ШАНБА

**Ma'halla** №12

7

## “ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ТАРТИБ

### Фуқаро ҳаётига, тадбиркор манфаатига дахлдор ўзгаришлар

Президентимиз 2026 йил 5 февралда имзолаган янги қонун билан айрим қонун ҳужжатларига муҳим ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгаришлар оддий фуқаролар, тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахсларга бевосита дахлдор.

Оттабек БАКИРОВ,  
иқтисодчи.

Аввало, ўрмон фонди ерлари билан боғлиқ янгиликка тўхталайлик. Энди давлат ўрмон хўжалиги ташкилотлари ўрмон фондига тегишли, аммо ҳозирча фойдаланилмаётган ер участкаларини жисмоний ва юридик шахсларга электрон онлайн-аукцион орқали ижарага бериши мумкин. Илгари бундай ерлардан самарали фойдаланиш имконияти чекланган эди.

Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар, масалан, усталар, хўнарандлар, хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчилар ижтимоий солиқ тўлаш орқали келажакда пенсия ва бошқа ижтимоий кафолатларга эга бўлади. Миқдорнинг оширилиши эса уларнинг келгусидаги ижтимоий ҳимоясини мустақамлашга қаратилган. Албатта, бу баъзилар учун қўшимча молиявий юк бўлиши мумкин. Аммо бугун тўланган ижтимоий солиқ эртага барқарор пенсия ва ижтимоий таъминот шаклида қайтиши инобатга олинса, бу ўз келажига сармоя сифатида баҳоланиши мумкин.

Демак, тадбиркор ўз фаолиятини тўғри йўлга қўйиб, яна ишини давом эттириши мумкин.

Учинчи муҳим ўзгариш “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунга киритилди. Энди ўзини ўзи банд қилган шахслар ихтиёрий равишда ижтимоий солиқни БҲМнинг камида 1 баравари миқдорда тўлашлари белгиланди. Илгари бу миқдор БҲМнинг камида 50 фоизи эди.

Умуман олганда, янги қонун асосидаги ўзгаришлар ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тадбиркорликда масъулиятни ошириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган. Энг асосийси, бу ўзгаришлар ҳар бир фуқарога дахлдор. Шунинг учун қонунлардаги янгиликлардан хабардор бўлиш ва уларга онли равишда ёндашиш бугунги кунда жуда муҳимдир.



Маҳалламизга бириктирилгач, масъулиятим икки баробар ошди. Аввалига бу вазифа менда биров қўрқув уйғотган бўлса-да, ишга киришганимдан кейин ҳар бир муаммо — имконият эканини англадим. Ўтган йили белгиланган режани ортиғи билан бажариб, Солиқ қўмитасининг ташаккурномаси билан тақдирландим.



СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

### Тўсиқлар барҳам топди, тадбиркорлар фаолияти тикланди

Шоҳжаҳон ТУРСУНОВ,  
Қарши шаҳридаги “Махсумобод” маҳалласи солиқ инспектори.

Кисқа вақт ичида маҳаллада бир нечта тадбиркорлар билан ишлашга муваффақ бўлдик. Масалан, кичик дўкон эгаси Рустамжоннинг фаолияти молиявий қийинчиликлар туфайли тўхтаб қолган эди. У солиқ мажбуриятларини ўз вақтида тўлашга олмади, фаолиятини давом эттира олмаётганди. Шу вазиятда Рустамжонга солиқ тўловларини



қисмларга бўлиб тўлаш имкониятидан фойдаланиш бўйича маслаҳат бердим. Шунингдек, у электрон декларация орқали рўйхатдан ўтиш жараёнини соддалаштириш ва ҳужжатларни тўғри тайёрлашда ёрдам бердим.

Натижада Рустамжон ўз дўконини тиклади, мавжуд иш ўринларини сақлаб қолди ва ҳозирда барқарор даромад олмақда. Бу ёрдам кўриниши ташқи кўринишда кичик бўлиши мумкин, лекин тадбиркор учун катта ишонч ва рағбат бўлди.

Шунингдек, маҳалла билан биргаликда олиб борилган тушунтириш ва тарғибот ишлари натижасида 4 нафар ноқонуний фаолият юритаётган тадбиркор янгидан рўйхатдан ўтказилди, 2 та молиявий қийинчиликка дуч келган тадбиркорлик субъекти эса фаолиятини тиклади. Бу ишлар орқали жами 235 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди.

Бу жараён менга шуни кўрсатдики, солиқ инспектори сифатида асосий вазифа фақат солиқ йиғиш эмас, балки тадбиркорларнинг олдидаги тўсиқларни бартараф этиш, уларни қонуний фаолиятга йўналтириш ва маҳалла билан ҳамкорликда жамиятимиз ривожига ҳисса қўшишдир.

“СОЛИҚ ТЎЛАШ — БУРЧИМ!”

### Фойдани яширган билан, ҳалолликни оширолмас экансиз...

Тадбиркорлик учун яратилаётган имкониятлар, солиқ енгилликлари ва, айниқса, солиқ ходимларининг биз билан очиқ мулоқоти мени илҳомлантирди. Кўп йиллик орзум — мебелсозлик билан шуғулланишга бел боғладим.

Эркин ДАНИЕВ,  
Жондор тумани “Охших” маҳалласидан.

Дастлаб кичик цехда иш бошладим. Тинимсиз меҳнат, изланиш ва буюртмачиларнинг ишончи туфайли қисқа фурсатда “Эъзоз мебеллари” номи кичик корхона шаклланди. Ишлар юришиб кетди. Буюртмалар кўпайди, даромад ортди. Аммо айнан шу пайтда мен хатога йўл қўйдим: “Агар товар айланмасини тўлиқ кўрсатмасам ёки ишчиларни расмийлаштирмасам, солиқдан “тежалган” маблағ ҳисобига фойда янада кўпаяди”. Гўёки бу вақтинчалик “енгиллик” бизнесимни тезроқ оёққа турғазидангандек туюлди.

Шундай вазиятда солиқ инспектори корхонамиз фаолияти билан қизиқди. Ростини айтсам, аввалига хавотирга тушдим. “Жазога тортиламан”, деб уйладим. Аммо бу ташвишим уринсиз экан. Инспектор мени жазолаш учун эмас, тўғри йўл кўрсатиш учун келган экан. У амалдаги тартибларни батафсил тушунтирди, хатоларимни кўрсатди ва уларни бартараф этиш йўллари амалий мисоллар билан очиб берди. Гўёки юзимга ойна тутгандек бўлди — ўзини четдан кўрдим.

Аслида, бу — ҳуфиёна иқтисодиёт сари қўйилган қадам эканини кейин англадим. Қонундан чекинми топилган даромад барака келтирмаслигини, бугун фойда бўлиб кўрилган иш эртага жиддий жавобгарликка сабаб бўлишини тушундим. Яширилган айланма нафақат давлат бюджетига зарар, балки тадбиркорнинг ўз келажига қўйилган хавф экан.



Мен хатони вақтида тўғриладим: барча ишчиларни қонуний расмийлаштирдим, ҳисоб-китобни шаффоф юритишни йўлга қўйдим, солиқ ҳисоботларини ўз вақтида топширишни одат қилдим. Дастлаб солиқ тўловлари кўпайгандек туюлди. Аммо орадан кўп ўтмай, қонуний ишларнинг афзалликлари хис қилдим: буюртмачилар ишончи ортди, банк билан ишлаш осонлашди, йирик ҳамкорлар билан шартнома тузиш имконияти пайдо бўлди.

Бугун “Эъзоз мебеллари” барқарор фаолият юритмоқда. Энди тушундим: ҳақиқий фойда — яширишда эмас, ҳалолликда экан...

МЕНДА САВОЛ БОР...

Муҳаббат ТУРСУНҚУЛОВА,  
Самарқанд вилояти:

— Мен нафақадаги фуқаромам. Газетадан пенсиядагилар мол-мулк ва ер солиғидан озод қилингани ҳақида ўқиб қолдим. Бироқ менга ушбу солиқлар бўйича тўлов хабарномаси келмоқда. Амалдаги қонунчиликка кўра, нафақадагилар учун қандай имтиёзлар бор?

### НАФАҚАДАГИЛАР УЧУН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БОРМИ?

Жаҳонгир АБДИЕВ,  
Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари:

— Солиқ кодексининг 421-моддасига мувофиқ, жисмоний шахслардан олинандиган мол-мулк солиғи бўйича имтиёз барча пенсиядагиларга татбиқ этилади. Бироқ ушбу имтиёз фақат нафақадаги шахсларнинг ўз мулкда бўлган битта тураржой объектига нисбатан ва 60 квадрат метр доирасида қўлланилади.

Солиқ кодексининг 436-моддасига кўра, ер солиғи бўйича имтиёз фақат ёлғиз нафақахўрларга берилади. Қонунчиликка мувофиқ, ёлғиз пенсионер деганда, ёлғиз ўзи ёки вояга етмаган ёхуд ногиронлиги бўлган фарзандлари билан яшайдиган шахс тушунилади.

Мазкур имтиёزلардан фойдаланиш учун солиқ ташкилотига нафақа гувоҳномаси (ёки Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотномаси) ҳамда маҳалла берадиган тегишли маълумотномани тақдим этиш kifой.



Покистонда ўтказилган IX “ЖАМОА РУҲИ” ХАЛҚАРО МУСОБАҚАСИДА Ўзбекистон разведкачилари ғолиб бўлди.



АЭС майдончаси учун ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ лойиҳаси ишлаб чиқилди.



Тошкентда йўл қоида-бузарликларига оид ЖАРИМАЛАР БЎЙИЧА ШИКОЯТЛАР УЧУН “Call-марказ” ишга тушди.

# “МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ҲУҚУҚНИ БИЛМАСЛИК — АЙБ!

## АЛДАНИБ ҚОЛМАСЛИК УЧУН МАҲАЛЛАДАН МАСЛАҲАТ СЎРАНГ!

...Азиз Носиров оиласи, фарзандлари бағрида бинойидек ишлаб туривди. Ойлик маоши кундалик эҳтиёжларга етар эди. Балки орзу-ҳавас, балки кўпроқ пул топиш иштиёқи, уни хорижда ишлашга ундади.

Шаҳноза ҲАМРОЕВА, Миграция агентлиги Навоий вилояти ҳудудий филиали етакчи мутахассиси.

Бир кун ижтимоий тармоқ орқали Европа мамлакатида қонуний иш таклифи акс этган рекламага кўзи тушди. Ойлиги 3 000 евро экан. Суратлар, гувоҳномалар, “хурсанд ишчилар”нинг видеоизоҳлари — ҳаммаси ўта ишонarli эди. Шу боис рекламада кўрсатилган рақамга телеграм орқали ёзди. Жавоб тез келди. Гўёки расмий “менежер” ҳужжатлар рўйхатини юборди, фақат айрим харажатлар борлигини айтиди. Аввалига 7 миллион, кейин яна 8 миллион сўм беришни сўради. Азиз Носиров бор маблағни юборди, етмаганига қарин-

дошларидан қарз олиб, ишонч билан ўтказгани амалга оширди. Аммо... “Озгина қолди”, “Виза тайёр”, “Иш берувчи келишувни яқунламоқда” деган гапларга ишониб, яна ва яна пул юбораверди. Шу тарзда картадан жами 50 миллион сўмга яқин маблағ тўлаб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Бир кунги эса...

Телеграмдаги чат очилмади. Рақам учирилган. Профил йўқ. Алоқа учун ҳеч қандай имкон қолмади. Шундагина Миграция агентлигининг ҳудудий филиалига бориш ёдига тушди. Ходимлар ҳужжатларни кўриб, фарибгарлар қурбони бўлганини айтишди...

Бу воқеа бугун юзлаб инсонларнинг тақдирини ўзгартирган ҳолат. Фарибгарлар уларнинг соддалиги ва ишончидан фойдаланиб, молиявий жарга улоқтирди. Тўғри, ҳамма ҳам оиласи яхши шароитда яшашини ис-



таб, хорижда кўпроқ даромад топсам, дейди. Қолаверса, бугунги глобаллашув даврида меҳнат миграцияси миллионлаб инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимизда хавфсиз меҳнат миграцияси ташкил этиш бўйича аниқ чоралар белгиланган. Миграция агентлиги ҳамда лицензияга эга хусусий бандлик агентликлари фуқароларни қонуний ва муносиб меҳнат билан таъминлаб келяпти. Афсуски, шундай имкониятлар мавжуд бўлишига қарамасдан, осон иш, тез пул топиш умиди юқоридаги каби салбий ҳолатларга сабаб бўляпти. Бу эса фарибгарларнинг тегириғини суя қуяпти. Натижада ижтимоий тармоқларда “Юқори маошли иш”, “Виза 10 кунда”, “Ҳеч қандай ҳужжатсиз ишга жойлаштирамиз” каби реклама эълонлари кун сайин кўпайиб борапти.



Аслида, бундай дилхиралик бўлмаслигининг имкони бор ва у жуда оддий. Хорижда ишлашни истаган ҳар бир фуқаро Миграция агентлиги, лицензияга эга хусусий бандлик агентликларига ёки ўзи яшаётган маҳаллага мурожаат қилса, маслаҳат олса, олам гулистон.



### ТАШАББУС

## Хорижга саёҳат йўлланмаси нақд, агарки ҳудудда жиноят бўлмаса...

Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Бухоро вилоятидаги профилактика инспекторлари билан Вобкент туманида ўзгача шаклда учрашув ташкил этилди.



Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ахборот хизмати.

Яъни, расмиётчиликдан йироқ, тўғридан-тўғри мулоқот тарзидаги тадбирда муаммолар очик танқид қилиниб, профилактика инспекторларининг фаолият самарадорлигини ошириш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир таклиф, ташаббуслар илгартирилди.

Айрим профилактика инспекторларининг ҳудуддаги вазиятни тўлиқ назорат қилмаётгани, “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликдаги ишларнинг номигагина олиб борилаётгани, оқибатда оилавий низолар ва олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар содир этилаётгани кўрсатиб ўтилди.

Тадбирда Вобкент тумани ҳокимлиги жиноятчиликни жиловлашда фидойиллик кўрсатётган ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида янги ташаббусни эълон қилди. Унга кўра, ҳар ой ва ҳар чорак якуни бўйича ўз хизмат ҳудудини жиноятдан холи бўлишига эришган инспекторлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Йил якуни бўйича энг юқори натижа кўрсатган ходим хорижга саёҳат йўлланмасига эга бўлади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

## “Аҳоли хавфсизлик ҳиссини туймагунча, хотиржам бўла олмаймиз”

...Навбатдаги қакирув “Менинг инспекторим” мобил иловасидан бўлди. 41-кўп қаватли уйда яшовчи фуқаро хонадонига бегона шахслар келгани ҳақида хабар юборди. Зудлик билан у ерга етиб бордик. Маълум бўлишича, келган инсон аслида 41/1-уйда яшовчи танишининг манзилни адаштириб юборган. У билан суҳбатлашиб, шахсини аниқлашга, керакли манзилга кузатиб қўйдик.

увоҳи бўлганингиздек, янги илова нафақат профилактика инспекторлари учун, балки аҳолига ҳам қулайлик яратди. Жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг тезкор олдини олишда қўл келяпти. Ҳудудда 6 минг нафар аҳоли истиқомат қилса, аксарияти “еттилик” кўмагида иловага улашиб олган.

Тошкент шаҳрида ўтказилган танқидий йиғилишда уюшган жиноятчилик, наркожиноятлар, кибержиноятчилик ва яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича “пойтахт намунаси” айнан туманимизда жорий этилган, фаолиятимизни қайтадан кўриб чиқдик. Масалан, авваллари профилактика инспекторини эрталаб соат еттида ва кечқурун ўнда йиғиб, соатлаб мажлис ўтказилган бўлса, энди туну кун маҳалла хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар тинчлигини сақлаш билан шуғулланяпмиз. Ҳуқуқ-тартибот йўналишидаги олийгоҳлар билан ҳамкорликда муаммоларни ҳал этишда илмий ёндашув йўлга қўйилди. Профессор-ўқитувчилар ҳар бир ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг келиб чиқиш сабабини ўрганиб, методик тавсия берапти.

Пойтахт мегаполис шаҳар бўлгани учун вилоятлардан келиб, яшаётган инсонлар кўп. Шу боис ҳудудлардаги профилактика инспекторлари билан узвий алоқани йўлга қўйганмиз. Мақсад — кўнгилсиз воқеа содир бўлса, биргаликда ҳал этиш. Яқинда маҳалламизда яшовчи фуқаро билан Каттақўрғон туманидаги газ қуиш шохобчасида зиддият юзага келган. Ходимлар аёлни камситиб, унга куч ишлатган. Аёл видеомурожаат билан чиққанидан кейин, ҳолатни ҳуқуқий тартибда ўрганиш бошланди. Айни пайтда жабрланувчи пойтахтда, ўз уйида бўлгани учун дастлабки аниқлаштириш жараёнини яшаш манзилида олиб борапмиз. Барча ҳужжатларни расмийлаштириб, Каттақўрғон тумани ички ишлар бўлимига юборамиз. Бу, албатта, ҳам тизим ходимлари учун, ҳам фуқарога енгиллик яратди.



Дилмурод ШАМСИЕВ, Чилонзор туманидаги “Хирмонтепа” маҳалласи профилактика инспектори.



Ҳар доим маҳаллада ишлаётганимдан фахрланаман. Чунки бу даргоҳ меҳр ва аҳиллик кўрғони, халқ ва давлат ўртасидаги кўприк, миллий қадриятлар кўзгусидир. Қўрғон мустаҳкам бўлиши учун биз — “еттилик” аъзолари ҳамкорликда ишлаяпмиз. Жиноятлар камайиб, “қизил” тоифадан “сарик”қа ўтдик. Лекин бу хотиржамликка сабаб бўлмайди. Чунки битта жиноят содир бўлиши ҳам маҳалла учун кўплик қилади. Жиноят ва ҳуқуқбузарлик тўлиқ тугатилмас экан, одамлар ўзини хавфсиз ҳисобламайди.

Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мусахҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси  
Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ  
Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.  
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 850 нусхада чоп этилди. Буюртма №: F-220

